



## ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# ХАЛҚИМИЗ БУГУН ФАРОВОН ЯШАШГА ҲАҚЛИ

**Бу йўлда бор имкониятлар ишга солиняпти**

XX аср биринчи ярмидан Ғарб олимларининг илмий тадқиқотларида турмуш даражасини баҳолашда сиёсий-иқтисодий қарашлардан иқтисодий-статистик нуқтаи назарга силжиш кузатила бошланди. Бу пайтда улар томонидан асосан ишловчиларнинг реал турмуш даражаси ва ҳақиқий истеъмоли бўйича таҳлилий ишлар олиб борилди.

▶ Давоми 4-бетда



## 2023 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга Сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

▶ 3-бетга қаранг.

## ОБОД МАНЗИЛЛАР

# АЗАЛИЙ ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН ОДАМЛАР

Тоғ этагида жойлашган Шахрисабз тумани Хисорак қишлоғи томон йўлга чиқдик. Эрта тонгдан кўёш қиздиради. Чамаси бирор соат йўл юриб, секин-аста баландликка кўтариларканмиз, ҳаво салқинлаб бораётганини ҳис қилдик. Машинада тепаликка чиққач, ўнг тарафда каттагина сув омбори кўзга ташланади. Мовий рангдаги зилол сувда осмонда сузиб юрган оппоқ булутлар аксини бемалол кўриш мумкин. Майин шабада таъсирида жиллолиб турган сув атрофи янада ёқимли ва гўзал. Иссикдан безор бўлган шаҳарликларнинг кўпчилиги айнан шу ҳудудда ҳордиқ чиқаради. Табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлаётган одамлар ҳар бир манзарани суратга олишга ошмақда.

▶ Давоми 2-бетда

## ЭССЕ

# МАКТАБ ЯРАТГАН санъаткор

ёхуд одамийликда ҳам ибрат бўлган Камолиддин Раҳимов ҳақида

Шогирдлар камоли — устозлар жамоли

Олис ва машаққатли бекатларни босиб ўтган ўзбек кўшиқчилик санъати ўз бағрида қатор намояндаларни камолга етказгани тарихдан яхши маълум. Кўшиқчилигимиз соҳнага раҳимовларнинг, ҳаёлинингизда қанчадан-қанча закиий сўз, саз ва овоз заргарлари гавдалани-

ши аниқ. Бироқ ўтмишда улар орасида ҳушовозлари, пири созлари юлдуздек порлаб, халқона ибора билан айтганда, "мана-ман", деб яққол кўзга ташланиб турадиганлари, таассуфки, унча кўп эмас.

▶ Давоми 6-бетда



## ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

# ЭРТАНГИ КУН РАВНАҚИГА АСОС

Инсон умрининг кўрки ва мазмуни фарзанддир. Жажжи ва қалби бегубор болаларни ардоқлаш, соғлом ўстириш, турли хуружлардан асраш, уларга таълим-тарбия бериш катталарнинг асосий вазифаси ва бурчи ҳисобланади.

Болалик инсон умрининг энг беғубор, орзу-умидларга тўла жушқин ва ҳароратли пайти бўлиб, уларнинг кулгиси, кўзларидаги кувонч бутун оламни ёритадигандек, гўё. Зеро, дунёда бола кулгисидан ёқимлироқ овоз йўқ. Улар кулгиси бахтнинг жарангига ўхшайди.

"Боланинг бегонаси бўлмайди", "Бир болага етти маҳалла ота-она" каби ҳикमतлар неча асрлардан буён тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб, яшаб келаётгани бежиз эмас.

▶ Давоми 2-бетда

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ замонавий чоралари



Шу кунларда мамлакатимизда кузатишган чанг бўронлари экологик муаммолар ечими бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарурий чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, озон қатламининг емирилиши, чўлланиш, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби глобал аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш ҳозирги кунда инсоният олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

▶ Давоми 5-бетда

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

# СПОРТДА ЧИНИҚҚАН АВЛОД дори-дармонга муҳтож бўлмайди

Соғлом ота-онани ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом авлод дунёга келади. Шунинг учун юртимизда оналик ва болаликнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳаёт тарзи ва моддий аҳволини яхшилаш, жамият ҳаётининг барча жабҳасида иштирок этиши учун мустақкам ҳуқуқий асослар яратилди. Ёшларни оила қуришдан олдин мажбурий тиббий-кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган.

▶ Давоми 5-бетда



## ОБОД МАНЗИЛЛАР

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАРИ  
УШАЛГАН ОДАМЛАР

Бошланиши 1-бетда

Чиндан ҳам, атрофдаги ажиб манзара ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Йул четига муздек чашма сувидан қониб ичсангиз, чарчоқни бир зумда унутасиз. Чамаси тўрт соатлардан сўнг соат миллари ўн иккига яқинлашганда белгиланган манзилга етиб келдик.

Ҳали саратон кирмаган бўлса-да, шу вақтда бошқа жойда офтобнинг тафтига туриб бўлмайди. Аммо биз келган ҳудудда қуёш тик кўтарилган палла бўлишига қарамадан, кўнглимиз ўз даласида кетмон уриб, ишлаяпти. Ҳаво ҳарорати нари борса, 20-22 даража иссиқ. Демак, бу ерда айни қуёш тик келган пайти ҳам оғринмай ишлаш мумкин.

Дарҳақиқат, “Ҳисор” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бўлган ушбу манзилда одамлар далада, томорқасида астойдил меҳнат қилмоқда. Хусусан, ўтган йили тепаликдаги каттагина ер майдонига сув чиқарилди, аҳолининг турли экин парваришлаб, даромад топиши учун имкон яратилди.

Бир пайтлар бу ерларда фақатгина лалми бугдой ёки арпа экилар, ёгингарчилик яхши бўлсагина ҳосил олиш мумкин эди, — дейди Сафарали ота Ғуломов. — Шу боис, бу ерга сув чиқарилишини орзу қилиб юрардик. Бир неча бор бунинг учун ҳаракат ҳам қилиб кўрдик. Аммо илҳом бўлмаганди. Ўтган йили давлатимиз томонидан катта ёрдам қилиниб, дарёдан сув чиқарилиши туфайли ниятимизга етдик.

Фарзандларим билан 50 сотих ер олиб, картошка эдик. Деҳқончилик ортидан даромад тояпмиз. Нафақат биз, балки кўпгина одамлар ишли, даромадли бўлди.

2020 йил ноябрь ойида Шахрисабз тумани тоғолди ҳудудларидаги Ҳисорак, Сайёб, Сувтушар, Бошқоп, Бешбек, Сарчашма ва Филон қишлоқлари аҳолисига деҳқончилик учун Оқдарё ҳудуди тепаликдаги 3200 гектар майдонга сув чиқариш тақдирини илгари сурди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай

ҳаракат бошланди. Янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлат бюджети ҳисобидан 60 миллиард маблаг ажратилиб, Тамшуш дарёсидан 12 километр масофага сув қувури тортиш ишлари бошлаб юборилди.

2021 йилда бошланган ишлар 2022 йил баҳорига келиб, якунига етказилди. Жами 4 минг гектарга яқин жойни эгаллаган тепаликнинг энг баланд жойига ҳовуз қилиниб, дарё суви қувур орқали шу жойга ташланганидан бўлди.

— Бу биз учун, қолаверса, яқин атрофдаги қишлоқ одамлари учун қувончли воқеа бўлди, — дейди “Ҳисорак” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайфулла Норкулов. — Чунки кўп йиллик ороумиз амалга ошди. Тепаликка сув чиқарилиб, одамларнинг меҳнат қилишига шароит яратилди. 2022 йилнинг ўзидеёқ ер олган одамлар ўртача 20 миллион сўмдан даромад қилди. Бунинг ортидан турмуш тарзи яхшиланиб, ҳаётдан мамнун бўлмоқда. Асосийси, одамларнинг бандлиги таъминланди.

Ушбу ҳудуддан ер ажратилишида “Ёшлар дафтари” дағиларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан,



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҚЎИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

белгиланганидек ҳар бир ёшга сувли ерлардан 50 сотихдан ажратилиб, ўн йилга шартнома асосида берилди ва сабзавот экиб, ўз деҳқон хўжалиқларини юритишлари тушунтирилди. Улар бу ташаббусни фаол қўллаб-қувватлашди.

“Ҳисорак” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Шарифжон Файзуллаевнинг таъкидлашича, ҳозирда эллик икки нафар ёшга 50 сотихдан ер берилиб, улар бу жойдан ўтган йилдан фойдаланишни бошлаган. Шунингдек, бу ерда қўшни маҳаллалардан ҳам ёшлар ўз ташаббуслари билан меҳнат қилмоқда.

Тамшуш дарёсига асосан, юқоридаги тоғ этагидида чашмалар, қорлардан эриётган сувлар қуйилади. Дарё ўзининг бир қисми йирик лойиҳа асосида тортишга шароит яратилди. Сув ўз оқими бўйича, ҳеч бир электр ёки бошқа бир қўшимча кучларсиз чиқарилади.

Яқинда ҳукуматнинг тегишли қарори асосида “Тамшуш сув иншоотларидан фойдаланиш дирекцияси” МЧЖ ташкил этилди.

— Асосий мақсадимиз аҳоли фойдаланаётган ерларга сувни ўз вақтида

етказиб беришдан иборат, — дейди жамият директори Шодикул Муродов. — Ҳозирда биринчи босқич бўйича бандликка сув чиқарилган. Кейинги босқичларда катта қувурдан бораётган сув кичик қувурлар орқали ён томондаги ўзлаштирилмаган ерларга ҳам олиб ўтилади. Натижада қўшимча 100 гектар ердан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Яна икки юз нафар фуқаро бандлиги таъминланади. Ер эгаларига техник тўқма ҳам берилди.

Лойиҳа аввалида Тамшуш дарёсидан сувни юқорига электр энергияси ёрдамида олиб чиқиш мўлжалланганди. Аммо кейинчалик ушбу лойиҳадан воз кечилиб, сувни ўз оқими орқали чиқаришга келишилди. Натижада каттагина маблаг тежалди. Мисол учун, 300 метр бандликка сув етказиш учун замонавий сув насослари орқали икки икки уч марта кўтармада сув чиқарилганда камида тўртта насос керак бўларди. Насослар сотиб олиш учун эса тахминан 75 миллиард сўмдан ортиқ маблаг зарур бўлади. Бундан ташқари, уларга ишлатиладиган электр энергияси учун бир йилда ўртача 21 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфланарди. Электр кабели, трансформаторлари ҳисобга олсак, харажатлар янада ортирди. Озгина изланиш ва маъқул ечим туфайли лойиҳага 60 миллиард сўмлик маблаг йўналтирилди. Қолаверса, шу пайтгача деярли фойдаланилмаган 202 гектар ердан ўтган йили деҳқон хўжалиги, кластер ва фермерлар томонидан картошка экилиб, биринчи йилнинг ўзидеёқ жами 2 минг 931 тонна ҳосил териб олинди.

Жорий йилда эса яна қўшимча минг гектар ер ўзлаштирилиб, икки мингдан ортиқ фуқарога аукцион савдоси орқали ижарага берилди. Шу билан бирга, келгусида яна 2 минг 300 гектар ерга сув қувурлари ўтказилиб, ўзлаштирилиши режалаштирилган. Пировардида, жами 4 минг 600 нафар тоғли ҳудуд аҳолиси бандлиги таъминланиб, ички бозорга картошка етказиб берилди.

Мутахассислар фикрича, ушбу майдонлар ўзлаштирилгач, бир йилда ўртача эллик минг тонна картошка олиш мумкин экан. Энг асосийси, бу орқали шу манзилдаги одамлар даромадли бўлишига шароит яратилади.

**Ақбар РАҲМОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



## ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

ЭРТАНГИ КҮН  
РАВНАҚИГА АСОС

**Одинахон ОТАХОНОВА,**  
Қонунчилик палатаси  
депутати

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда болаларга бўлган эътибор ҳам, муносабат ҳам ўзгача. Уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга доир муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг баробарида, болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришини уюштириш мақсадида турли кўнгилчор тадбирлар мунтазам ташкил этиляпти.

Хусусан, Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича

рида таъмирталаб аҳволга келиб қолган қўллаб-қувватлаш реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди. Янги боғчалар қад ростлади.

2017 йилда юртимизда 5211 боғча фаолият юритган бўлса, 2023 йилда улар сони 29 мингдан ошди. Шундан 13 мингдан ортигини нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. Бу сай-ҳаракатлар орқали юртимизда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 72 фоизга етди.

Келгусида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайтиришга аминимиз. Нега десангиз, 2030 йилга қадар юртимизда қўшимча 2 мингта боғча қуриш мақсад қилинган. Энг муҳими, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун боғча, шу жумладан, хусусий боғча харажатларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилади.

Болаларни эрта ёшдан замонавий ахборот технологияларига ўргатиш мақсадида ҳар бир боғчани компьютер синфи билан таъминлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилади. Боғча ва мактабларни филътрланган ичимлик сув ҳамда санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Юртимизда болаларга гамхўрлик қилиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Сабаби, болалар ҳаётимиз давомчилари, келажакимиз воқирларидир. Бугун уларнинг етук инсон бўлиб етишиши учун зарур чора-тадбир-

## МАҲАЛЛАМ — ФАҲРИМ МЕНИНГ

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК  
одамлар қалбига чуқур ўрнашмоқда

Мамлакатимизда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида бошланган юрт ободлиги, халқ фароғлиги йўлидаги ҳаракатлар, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш борасидаги ишлар янги босқичга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ҳар бир туманда “Йул харитаси” ишлаб чиқиляпти, аҳоли муаммолари ҳондонбай ва маҳаллабай ўрганиб чиқилди ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Бу хайрли ишлардан Арнасой туманидаги Бахтли маҳалласи аҳли ҳам четда қолгани йўқ. Маҳалладаги ўз муддатини ўтаган 200 дан зиёд симёғоч темир-бетон устунларга алмаштирилди, эскирган трансформаторлар ўрнига янгилари ўрнатилди.

Ўтган асрда қурилган ва яроқсиз аҳволга келиб қолган кўприк реконструкция қилингани аҳолининг узоғини

яқин қилди. Маҳаллада тиббиёт пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Жорий йилда барча қулайликларга эга маҳалла биноси ҳам қуриб битказилди.

— Маҳаллада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ишлар давом этмоқда, — дейди Бахтли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Маҳмудов. — Ички йўлларнинг 3,6 километрга асфальт, 600 метрга шағал ётқизиш лойиҳаси тайёр бўлди, бугун-эрта ишлар бошлаб юборилди.

Ҳа, қаерда бирлик, ҳамжиҳатлик бўлса, ишлар маромида давом этаверади. Бахтли маҳалласида кечани кеча, кундузи кундуз демай ҳаракат қилаётган ажиб “бешлик” аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш йўлида ишланмоқда. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар

фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспекторининг ҳамкорлигида сай-ҳаракатлари натижасида ишсизлар сони тобора камаймоқда.

Маҳалланинг 513 та хонадонидидаги муаммолар ўрганиб чиқилганда 75 нафар фуқаро ишсиз экани аниқланган эди.

Тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш учун шу йилнинг биринчи чорагидида 358 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Маҳаллада қишлоқ хўжалиги тармоқлари, Арнасой — Айдар сув ҳавзаси ёқаларида туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Жорий йил бошида ҳар бир хонадонни қайта ўрганиб чиқдик. 37 нафар киши ишсизлигини аниқлаб, уларга тадбиркорлик билан шуғулланиш тақдирини бердик. Асаларчилик билан шуғулланишни хоҳлаган маҳалладошимизга 21 миллион сўм имтиёзли кредит олишга кўмаклашдик, натижада икки нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Маҳалламизда мебель ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Устачиликдан хабари бор фуқарога 33 миллион сўм кредит олишга ёрдам қилган эдик, “Agrosoy land servis” МЧЖ ташкил этди ва қўшимча иккита иш ўрни яратди, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Зокир Зулфировов.

Бахтли маҳалласида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар ҳақида қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин. Энг муҳими, туманда янги соҳа бўлган туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалланинг Арнасой — Айдар қўлига яқин жойлашган хонадонларида

сайёҳларга хизмат кўрсатиш тизими яратилмоқда. Айни пайтда ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига асосан, Барно Нарзуллаевага 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Кредит ҳисобидан 10 ўринга мўлжалланган уй меҳмонхона қуриб битказилди. Икром Сувоқуллов ҳам ўз маблаг ҳисобидан уй меҳмонхона қуриб, учта иш ўрни яратди.

Ҳозирги пайтда маҳалла фаоллари 11 нафар фуқарони иш билан таъминлаш чораларини кўрмоқда.

— Биз маҳалламизни ишсизликдан холи ҳудудга айлантирмоқчимиз, — дейди Аҳмад Маҳмудов. — Шунда хонадонлардаги унча-мунча муаммолар ҳам барҳам топади, ҳудудимизда камбағал қолмайди.

“Излаган имкон топади”, деган гап бежиз айтилмаган. Бахтли маҳалласи фаоллари “Аёллар дафтари” рўйхатида турган етти нафар аёлга 10 миллион сўмдан субсидия ажратиб берди. Ушбу маблагга тикиш машинаси сотиб олинди, шунинг ҳисобидан маҳаллада чеварлар сафи ҳам ортиб бормоқда. Бир нафар аёлга томорқасида иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредит ажратилди.

Маҳаллада автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича “Sifatli AQXKSH” МЧЖ ташкил қилиниб, 2 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Хизмат турларини кўпайтириш мақсадида тўрт кишига иккита юк мотоцикли, иккита мотокультиватор, уч нафар фуқарога эса 12 бошдан қўй-эчки сотиб олиш учун кредит ажратилди.

“Бахтли” лиқлар бахти, фаровонлиги, маҳалласининг ободлиги учун ўзлари ҳаракат қилиши лозимлигини яхши тушунади. Юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллаларни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган ҳужжатлар асосида қишлоқ ва маҳаллалар қуриши, одамлар дунёқараши бутунлай ўзгариши. Маҳаллага кен камровли ёндашув дунёда ўхшаши йўқ, ноёб ва янги тизимни яратди. Энди одамлар “Менинг маҳаллам”, “Менинг кўчам”, “Менинг хонадоним” дейишни ўрганди. Ватан тақдирига дахлдорлик улар қалбига чуқур ўрнашди. Зеро, маҳалласи обод бўлган инсоннинг маънавияти ҳам юксак бўлади. Ана шундай кен тушунчани инсонлар сафиди Арнасой туманидаги Бахтли маҳалласининг бахтли инсонлари ҳам бор.

**Асад МУСТАФОЕВ,**  
журналист



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҚЎИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҚЎИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

республика комиссияси тузилиб, соҳадagi бошқарув ягона тизим асосида йўлга қўйилди. Шу билан бирга, болаларни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро chambarchas болган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Болалар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, ёш авлодини жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказиш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан ишлар қилинди.

Болага ёшлигидан оилада ва жамиятда рисоладагидек тарбия берилмаса, улғайгач, тўғри йўлга солиш қийин бўлади. Демак, уларга гамхўрлик қилиш, доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш эртанги кунга қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Сўнгги йилларда болалар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашга доир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, туб ислохотлар амалга оширилди. Ҳозир нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, болаларга қўрсатилаётган гамхўрлик, катта эътиборнинг гувоҳи бўласиз. Фарзандлар кўзидаги қувончни кўриб, қалбингиз фахр ва гурурга тўлади. Болалар оромгоҳлари фаолиятини ягона тизим асосида йўлга қўйиш, уларнинг мольеявий ҳолатини яхшилаш ва бу каби дам олиш масканларига ёшларни жалб этиш камровини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

Айниқса, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишга катта эътибор қаратилиб, юртимизнинг барча гўшала-

ларни кўрсак, эртага бу албатта, ўз натижасини бериши аниқ.

“Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Президент фармони ўз вақтида қабул қилингани билан муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат, унда қандай янгиликлар, имтиёзлар ўз ифодасини топади?”

Агар ҳужжатнинг аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак, фармон билан Солиқ кодексига мувофиқ санаторий-курорт, соғломлаштириш, шунингдек, бюджет ташкилотлари томонидан қўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спортга доир хизматларни реализация қилиш бўйича айланмаларга қўйилган қиймат солиғи солинасизлиги белгиланмоқда. Шунингдек, спорт ва жисмоний тарбия соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-масъқ базалари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари эгаллаган ерлар ер солиғидан озод этилади. Қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятини амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган объектлар мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайд.

Бу эзгу ишларнинг замирида эртаимиз давомчилари бўлган барча ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, илмли қилиш, дунёдаги тенгдошлари билан рақобатлаша оладиган авлодини вояга етказиш учун мустаҳкам пойдевор қўйиш мақсади мумкин.

# ЭНГ МУҲИМ ВА ОҚИЛОНА ЕЧИМ – ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Минтақадаги экологик вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш шунга кўрсатадики, яқин келажакда турли экологик хатарларга дуч келинишининг олдини олиш ва муносиб ҳимояланиш учун дунё аҳолиси биргаликда ҳамжиҳат ҳаракат қилмоғи зарур. Бунда ҳар бир давлат экологик барқарорликни таъминлаш борасида, аввало, ўзининг стратегик фаолиятини белгилаб олиб, изчил амалга оширишга киришиши муҳим аҳамиятга эга.



Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилонана фойдаланиш, аҳоли учун қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш йўналишида муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Номзод томонидан тақлиф этилаётган аниқ йўналишлар бугунги экологик вазият ҳамда глобал миқёсдаги атроф-муҳит муаммолари ечимни нуктаи назардан конструктив ечимларни ифода қилади. Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қулай атроф-муҳит шароитида яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун давлат томонидан қўйилиши керак бўлган аниқ қадамларни кўзда тутади.

## Қулай яшаш учун қулай атроф-муҳит зарур

Миллат феофондининг тоза ва соғлом бўлиши, соғлом она ва соғлом бола таъмирлиги эришиш, хавфли экологик таъсирлар оқибатида юзага келадиган хасталикларнинг олдини олиш, қисқача айтганда, соғлом ва фаровон келажак ордуси ҳам бевосита барқарор экологик вазият билан chambarchас боғлиқдир.

Шу маънода, Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигида турли зарарли кимёвий таркиблардан холи бўлган табиий тоза маҳсулотлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, шу мақсадда сув, тупроқ ва ўсимлик дунёси учун хавфсиз табиий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш гоёси илгари сурилади.

Қишлоқ хўжалигидаги маиший экинларни зараркунандалардан асраш мақсадида фойдаланиладиган захарли кимёвий воситалар борлиққа комплекс зарар келтиришни илмий жиҳатдан ўз исботини топган, таъридан ўтган ҳолисидир. Илмий кузатишлар шундан далolat берадики, гени модификация қилинган маҳсулотлар, зарарли кимёвий воситалар аҳолининг соғлом овқатланиш тарзига мутлақо тескари ҳолатдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаев табиатшунос, ботаник ва биолог олимлар корпусини шакллантирган ҳолда, аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлашда биринчи навбатда табиий тоза маҳсулотлар билан озикланиш дастури ҳаётга жорий этилиши тарафдоридир.

Хозирги вақтда маиший чиқиндиларнинг қарийб 15-20 фоизи, катта шаҳарларда эса 30-35 фоизгача қисми — озик-овқат маҳсулотларининг қадқоқланиши оқибатида юзага келаётган чиқиндилар ҳисобига тўри келиши ҳам масаланинг нақадар жиддийлигидан далolatдир. Деярли 90 фоиз қисми пластмасса ёки полистилен маҳсулотлар бўлган бундай чиқиндиларнинг табиий чириш эҳтимоли жуда кам ва узок вақт талаб қилади. Бундай чиқинди маҳсулотларини қайта ишлаш борасида эса қамровли тизим тула яратилганича йўқ.

## Чиқиндилар хавфсиз қайта ишланади

Номзоднинг Сайловолди дастурий мақсадларидан бири — санoат корхоналари чиқиндилари ва қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш орқали атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг нақадар долзарб экани куйидаги рақамларда ҳам яқоқ кўринади: мамлакатимизда санoат корхоналарида йилга ўртача 115-120 миллион тонна санoат чиқиндилари ҳосил бўлмоқда ва ҳозирги вақтда полигонларда 3,5 миллиард тоннага яқин айни шу турдаги чиқиндилар йиғилиб қолган. Сайловолди дастурида мазкур ўтчи экологик муаммога ечим сифатида

бундай турдаги чиқиндиларни хавфсиз олиб чиқиб кетиш бўйича техник воситалар билан жиҳозлаш талабларини кучайтириш тақлиф этилмоқда.

Чиқиндилар билан боғлиқ муаммони ечишнинг хорижда сигналдан усул ва механизми бор. Асосийси — чиқиндини қайта ишлаш. Бу эса чиқиндини саралаш масаласига бориб тақалади.

Сунги йилларда соҳани тартибга солишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида чиқинди ташланадиган жойлар анча тартибга солинди. Лекин ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Мисол учун, Европада бу масала билан ўтган асрнинг 80-йилларидан жиддий шугулланишга киришилган. Германия бугун маиший чиқиндиларнинг 70 фоизини қайта ишлайди. Японияда эса бу кўрсаткич 90 фоизни ташкил қилади.

Бу давлатларда иккиламчи қайта ишлаш санoати ўнлаб миллиард доллар молия воситалари айланмасига эга бўлган катта бизнесга айланиб улгурган. Хитой импортида четдан келтирилаётган чиқинди ҳамми охири бораётгани ҳам шундан.

Сайловолди дастурида чиқиндилар билан боғлиқ яна бир муаммога ечим тақлиф этилади. Унга кўра, мамлакатда полистилен, полиамид таркибли қадқоқлаш маҳсулотлари, бир марталик ишлатиладиган пластик ва бошқа идишлардан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечишга ўтилади.

Хавфли чиқиндилар, табиий ва биологик ҳамда қурилиш чиқиндиларини бошқариш ва қайта ишлашни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитга зарар етказувчи қадқоқлаш материаллари ва товарларга экологик йиғимнинг ҳуқуқий механизми белгилаб берувчи “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун янги тарихда қабул қилинади. Шу билан бирга, юртимизда ишлаб чиқариладиган айрим товарлар ва қадқоқлаш воситаларига экологик йиғим жорий этиш юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш керак. Яъни бирор корхона фаолияти табиатга зарар етказяптими, демак, у компенсация тўлаши керак. Бу билан табиатга етказилган зарарни қоплашда “ифлослантирувчи тулайди” таъминли амалда татбиқ этилишига эришиш муҳим.

## Табиий мувозанатнинг ноёб занжири

Биохилма-хиллик ва экотизим мувозанати она табиатдаги ноёб барқарорликни сақлашнинг муҳим омилли ҳисобланади. Айни вақтда биологик хилма-хиллик мамлакатимизда иқтисодий, эстетик, соғлиқни сақлашга оид ва маданий фаровонликнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Табиатимиз биологик хилма-хиллиги бой бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг 27 мингдан ортиқ турини ўз ичига олади. Улар орасида умуртқасиз ҳайвонларнинг 14 минг 900 тури, умуртқали ҳайвонларнинг эса 715 тури учрайди. Шунингдек, 11 минг турдаги ўсимликлар, кўзқоринлар, сув ўтлари бор. Бундан ташқари, юқори ёввойи ўсимликларнинг 4300 тури бўлиб, улардан 8 фоизи эндемик турлардир.

Бугун айрим ноёб турлар ва экологик тизимлар йўқ бўлиб кетиш хавфи остида. Жумладан, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси объектларининг яшаш муҳитига антропоген таъсир натижасида у ердаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари тури қисқариб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига ҳайвонот дунёсининг 206 ва ўсимлик оламининг 314 тури киритилган.

Номзоднинг Сайловолди дастурида бу каби муаммоларни бартараф этиш йўллари тақлиф этилмоқда. Дастурга кўра, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва сувли акваториясида уларнинг мақсадли вази-фаларига зид бўлган ҳар қандай фаолиятга чек қўйилади. Камеб ва кескин камайиш хавфи остида турган ҳайвонларни овлаш ва ўсимлик турларини табиатдан ажратиб олишга 10 йиллик мораторий эълон қилинади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида ҳалигача тула ва тизимли маълумотлар базаси шакллантирилмаган. Шу боис, геоахборот технологиялари асосида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ҳисобга олиш долзарб аҳамият касб этади. Бу йўналишда доимий мониторинг юритиладиган ҳамда давлат ва жамоатчилик назорати кучайтирилади. Биохилма-хилликнинг муҳим манбаи бўлган ўрмонларни муҳофаза



## Сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш

Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида табиатнинг бебаҳо неъматли булган сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш, аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар ечими юзасидан ҳам аниқ тақлифлар илгари сурилмоқда.

Аҳолининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, янги санoат корхоналари ва ишлаб чиқариш объектларининг ишга туширилаётгани, турар жойлар

Хорижий мутахассисларнинг кузатишларига кўра, яна 20-30 йилдан кейин инсоният ичимлик суви таъминотида катта муаммоларга дуч келиши мумкин. Ҳозирда дунёда рўй бераётган ичимлик суви муаммолари бу тахминларда асос борлигини кўрсатмоқда.

Сув ресурслари истеъмолида яна бир муҳим жиҳатини алоҳида таъкидлаш керак. Эндилдиқда сувни қайта ишлаш ва ундан иккиламчи маҳсулот сифатида фойдаланиш ишлари самарали йўлга қўйилиши зарур. Жумладан, автотранспорт воситаларини ювиш шохобчалари учун сувдан фойдаланиш шартлари қайта кўриб чиқилади, уларнинг ҳар бирига фойдаланилган суви қайта ишлаш ҳамда сувдан тақоран фойдаланиш тизими жорий этилади.

Ҳудудлардаги оқова сувларни тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ҳамда ангиларини қуриш чоралари-

алоҳида норма мустақамлаб қўйилди. Жумладан, давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани иқтисодий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши белгиланди.

Ушбу долзарб масала Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида алоҳида йўналиш сифатида акс этган.

Бутун дунёда глобал иқлим ўзгариши бўйича вазият жиддийлигича қолмоқда. Дунё экспертларининг фикрига кўра, 2050 йилга бориб, глобал исси жароёнлар янада жаддалашши ва ҳарорат ҳозиргига нисбатан 2-3 даражага исси башорат қилинмоқда.

Мутахассислар Орол денгизи фалокати натижасида Марказий Осиёда иқлим ўзгариши дунё кўрсаткичларидан 2 баробар жаддалроқ кечяётганини таъкидламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатларида Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ ҳолатлар аҳоли соғлиғига янада кўпроқ таъсир етказиши таъкидланяпти. Бу борада тезкор чоралар қўрилмас, келгусида глобал тусдаги муаммолар бундан-да аянчиқ тус олиши мумкин.

Иқлим ўзгариши натижасида қор қоплами қисқармоқда, бўғалиниш кучаймоқда. Қурғоқчиликнинг тез-тез тақорланиши ва жаддалигининг кучайиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барқарорлигини бузиши ва озик-овқат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин. Ёз давридаги жазирама, баҳорда тошқинлар ва селлар, қишда кўчиқлар аҳоли ҳудудлари ва муҳим инфратузилмага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Амударё куйи оқимидagi ҳудудлар сув танқислиги ва чанг бўронларидан кўпроқ азият чекмоқда.

Ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, 2050 йилга бориб, маккажўри, гуруч ва бугдой етиштириш ҳамми 25 фоизгача қисқариши башорат қилинмоқда. Беқарор иқлим шароити, ихтиёрдаги сувнинг етишмаслиги ва аҳолининг ушбу бир-галикда ривожланишининг ушбу модели ва мамлакат ўзини ўзи озик-овқат билан таъминлашининг ҳозирги даражасини ўзининг ресурслари асосида сақлаб қўлиш имкониятига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас. Муаммо тезлашиб бораётган шароити ва суғорилидиган ерларнинг ҳосилдорлиги пайсаяиб бориши билан chambarchас боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ҳосилининг 90 фоизидан ортиқ суғорилидиган ерлардан олинадиган эчки, вазиятга мувофиқ чоралар қуриш кун тартибига қишлоқда.

Шунинг учун ҳам номзоднинг Сайловолди дастурига кўра, тупроқнинг унумдор қатлами бўлиши билан боғлиқ жароёнларда, кейинчалик ерни биологик рекультивациялаш ёки унумдорлиги паст ерларда фойдаланиш учун тупроқнинг унумдор қатлами олинмиши, сақланиши борасида давлат ва жамоатчилик назорати кучайтирилади. Ерларни тупроқ ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш, деградация, чўлланмишдан сақлаш мақсадида биомелиоратив тадбирларни кенгайтириш, икотазорлар барпо этиш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Ҳар йили 100 миллион тонна кум ва туз ҳавога кўтарилимоқда. Бу эса Орол ҳалокати глобал муаммо эканини яна бир бор исботламоқда. Орол денгизининг сувсиз қолган ерларида яшил ўрмонлар барпо этишни давлат сийосати даражасидаги вазифа қилиб белгилаш фурсати етди.

Оролбўйи минтақасига экологик инновация ва технологияларни татбиқ этиш ишларини кучайтириш орқали

аҳолини иқтисодий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб яшаш шароитларини яратиш мумкин. Бу ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ҳам жиддий тарзда яхшилади. Нафақат Нукус, Бухоро, Урганч, Хива, Навоий, Мўйноқ каби аҳоли яшаш пунктлари атрофида, балки аҳолиси 5000 нафардан ортиқ бўлган гавжум аҳоли пунктларининг ҳар бирида “яшил белбоғлар” барпо этиш ишлари янада жаддалаштирилади. Мазкур ҳудудлардаги яшил истироҳат боғлари майдонлари кенгайтирилади. Аждодларимиз эъзозлаган садақайрағоч, чинор, терак каби серсоя дарахтлар кўпайтирилади. Ҳар бир хонадон ҳовлиси ва уйи олдида ана шу фойдалани дарахтларни экиш, парваришлаш ва ўстиришнинг самарали тизими яратилади.

Ҳозирда ташкил қилинган Миллий табиат боғларини ривожлантиришга янада жиддий эътибор қаратилади. Шаҳар ва туманлар маркази, шунингдек, аҳоли гавжум қишлоқларда жамоат боғлари, яшил майдонлар барпо этиш учун субсидиялар ажратилади.

Бундай хайрли ишга биринчи навбатда фермерлар, ботаник-олимлар ва боғдорчилик мутахассислари жалб қилинади. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида Табиат ва атроф-муҳит экологияси нозир лавозими жорий қилинади. Бу эса баҳариллаётган ишлар самарадорлигини таъминлайди. Одамларда экологик маданият ва экологик таҳдидларга қарши кураш ҳисси ҳам кучаяди.

Халқро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ҳудудлар рўйхатида киритилган Айдар-Арсасой қўллар тизими, “Денгизкул”, “Куйимзор”, “Тудакул”, “Судочье-Акпетке” сув омборлари экотизимларининг муҳофаза қилинишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Бундай ишлар самараси ўлароқ юртимиз янада гўзаллашиб, сўлим ва яшил маконга айлантирилади. Натижада мамлакатимизда экотизим жадал ривожланиши учун муҳим омиллар вужудга келади. Сув хазиналари ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бойитилиши сайёҳлар қизиқишини ортириши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, иқлим ўзгаришлари ва экологик инқирозларга қарши курашиш бирон-бир мамлакатнинг яхлит ўзинига тегишли бўлган муаммо эмас. Бу борада “Бирлашган ўзар” деган кадимки туркий ҳикматга амал қилиш жуда ўринли.

Барчамизга яхши маълумки, Марказий Осиёдаги Амударё ва Сирдарё сув хазиналари трансчегаравий дарёлар саналади. Сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва иқтисодий-иқтисодий асоратларни юмшатиш сийосати туфайли Марказий Осиёда шаклланиган мутлақо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини барқарор сақлаб қолтиш муҳим вазифаларимиздан бири саналади. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва аънаналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мамлакатимиз тақдирининг асосий устувор йўналиши бўлиб қолаверсади.

Иқлим ўзгаришларининг салбий таъсири ҳамда таҳдидларига қарши кураш ва муҳим қўра-тадбирлар ишлаб чиқишда, албатта, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорликни давом эттиришимиз. Айниқса, Туркменистон ва Қозғистон Республикалари билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати рўй берган ҳудудларда экотизимни қайта тиклаш, кум ва туз бўронларидан ҳимояловчи яшил ихотазорлар барпо этиш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича аниқ дастур ва режалар асосида халқро аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилади. Ҳудудда иш ўринлари, қулай ва яхши турмуш шароитларини яратиш бош мақсадимизга айланган.

Халқимизда қарс — икки қўлдан, деган нақл ҳамжиҳатлик, муштаракликка давъат қилиш мақсадида айтилиб келинади. Биз олдимизга қанчалик улғувор ҳамда эзгу мақсадларни қўймайлик, улари амалга оширишда, албатта, юрагида ўти бор шижоатли азиз элдошларимиз ҳамкорлигига таянамиз. Ҳар қандай эзгу ишнинг бош иккдорки халқимиз саналади. Ҳамжиҳат ва аҳил халқ иродаси ҳар қандай оғир муаммони ҳам бартараф қилиб келгани ўтмиш сабоқларидан бизга яхши маълум.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурига киритилган ушбу муҳим йўналишлар халқимиз манфаатлари ва мамлакатимиз яшил тараққиёти учун хизмат қилади. Буни фаол қўллаб-қувватлаш учун партиямиздан Президентликка номзодга овоз берин!

Наврўзбек ЮСУПОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
Ўзбекистон Экологик партиясидан аъзоси

“ АҲОЛИНИНГ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КўПАЙИБ БОРАётгани, ЯНГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИқАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛАётгани, ТурАР ЖойЛАР КЕНГАЙётгани СУВГА БўЛган ТаБИЙ ЭХТИЁЖНИНГ ҲАМ МУВОФИҚ РАВИШДА ўСИБ БОРИШИНИ КўРСАТМОҚДА. МАВЖУД ВАЗИЯТ ИЧИМЛИК СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОқИЛОНА ФойДАЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ ЯРАТИШНИ КЕЧИКТИРИБ БўЛМАЙДИГАН ВАЗИФА СифАТИДА ОлДИМИЗГА ҚўЙМОҚДА.

кенгаётгани сувга бўлган табиий эҳтиёжнинг ҳам мувофиқ равишда усиб боришини кўрсатмоқда. Мавжуд вазият ичимлик суви ресурсларидан оқилонана фойдаланиш механизмининг яратиши кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида олдимизга қўймоқда.

Кейинги йилларда кузатилган иқлим ўзгаришлари, йилнинг қутилганидан кўра, қурғоқчи келиши, дарёлар сатҳининг пасайиши каби бир қатор омиллар ичимлик суви таъминотида янги муаммолар билан тўқнаш келишимизга сабаб бўлди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида сув ресурсларидан оқилонана фойдаланишга қаратилган тақлифий-ҳуқуқий ислохотлар олиб бориш тақлиф этилмоқда. Бу қандай амалга оширилади?

Биринчи навбатда, аҳолининг барча қатламларида, ёшу кексада сувдан оқилонана фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш, уни исроф қилмаслик, ҳар қатра сувда келажак авлодлар ҳақи борлигини чуқур англаш, уни фақатгина маблаг эвазига сотиб олинмадиган моддий ресурс сифатида қарамаслик борасида самарали тизим яратилиши керак. Буни, аввало, ҳар бир фарзанд, мактабга таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари — умуман, аҳолиимизнинг ҳар бир вақлига чин ҳожияти билан етказиб беришга қаратилган платформани яратиш, кундалик ҳаётга татбиқ қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасидандир.

Сув ресурслари тақсимотида қатъий лимит тизими, сувни тежайдиган ва рақамли технологиялар тўлиқ жорий қилинмагани ҳам сув ресурсларидан оқилонана фойдаланишга тўсиқ бўлиб келяпти. Номзоднинг Сайловолди дастурида сув таъминотида бозор механизмининг жорий этиш, лойиҳа ташаббускорининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув ҳисоблагичлар ўрнатиш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

ни кўриш зарур. Бугунги кунда пойтахтда, айрим йирик шаҳарларда баъзи бир сув иншоотлари ҳамда корхоналардан доимий равишда бадбўй хид қиёветгани одамларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлаётгани ҳам бо гап.

Бу ўткир муаммо ечимини ҳам Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида ўз ифодасини топан: келгусида аҳоли яшаш пунктларида бадбўй хид чиқараётган, локал оқова сув тозалаш иншоотлари бўлмаган ҳар қандай корхона фаолиятини белги-ланган талабларга жавоб берадиган технологиялар жорий этилмагунча тўхтатиш зарур!

Кундалик фаолиятимиз давомида юқорида санаб ўтилган эҳтиёжлар учун тоза ичимлик суви эмас, қайта ишланган сувнинг умумий тоза ичимлик суви миқдорини қарийб 20 фоизга тежаш имконига эга бўлиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш орқали уларнинг улушини умумий суғорилмадиган майдонларга нисбатан ҳозирги 16 фоиздан 30 фоизга етказилади, шунингдек, тежамкор технологияларни жорий қилишнинг давлат томонидан рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилади.

## Иқлим ўзгаришларига мослашиш ва Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш

Жорий йилнинг 30 апрель куни халқимизнинг хоҳиш-иродаси — умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 49-моддасида Оролбўйи ҳудудидagi экологик ҳолат билан боғлиқ

## ТАХЛИЛ ВА ТАҚҚОС

## ХАЛҚИМИЗ БУГУН ФАРОВОН ЯШАШГА ҲАҚЛИ

## Бу йўлда бор имкониятлар ишга солиняпти



**Умид МАДАМИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Статистика агентлиги  
бошқарма бошлиғи

## Бошланиши 1-бетада

Кейинчалик эса турмуш даражасини ўрғанишда аҳолининг турли қатламлари манфаатини уйғунлаштириш, улар ўртасида қарама-қаршиликлари юмшатиш, асосиз даромадлари бўйича табақаланишга чек қўйиш ва қашшоқликни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга уруғ берилди.

Турмуш даражасининг ўртача параметрларини баҳолашда олимлар дифференциал ёндашувни қўллаганлари эришилган ютуқлардан бири бўлиб, бу, айниқса, аҳолининг айрим қатламлари эҳтиёжини қондириш жараёнида иқтисодий имкониятларни тўғри тақсимлаш жиҳатидан муҳим ҳисобланади.

БМТ тавсиясига кўра, камбағаллик даражаси, туғилиш, ўлим, умр кўриш давомийлиги, санитар-гигиеник шароитлар ҳолати, озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол даражаси, уй-жой шароитлари, таълим олиш ва маданий имкониятлар мавжудлиги, иш шариоити ва бандлик даражаси, даромад ва харажатлар мувозанати, истеъмол нархлари, транспорт воситалари билан таъминланганлиги, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш имкониятлари, ижтимоий таъминот тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатлангани каби йўналишлар турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Лекин бу кўрсаткичларнинг ҳаммасини ҳам қиймат кўринишида баҳолаш имкони бўлмагани боис, турмуш даражаси ушбу параметрлардан бир нечасини қамраб олган ҳолда баҳоланади.

Аҳоли фаровонлик даражасининг таҳлили уй ҳўжалиқларининг иқтисодий ресурсларга эгалик қилиш имконияти, уларни истеъмол қилишга ёки жамғаришга, шунингдек, улардан бирини танлашга қўдрлигини аниқлашга имкон беради.

Ўзбекистонда кўчли ижтимоий сиёсат юритилмоқда. Янги Ўзбекистонни "ижтимоий давлат" тамойили асосида қуриш, инсонларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш

учун тенг имкониятлар, муносиб ҳаёт кечиришга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш борасида катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида тараққиёт стратегиясининг 21 мақсадида иқтисодий тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баробар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг доллардан ошириш ҳамда "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириш учун замин яратиш, яъни ўта камбағалликка барҳам бериш, нисбий камбағаллик даражасини 2 баробар камайитириш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида камбағаллик муаммосини ҳал этиш алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимизда камбағалликка қарши фаол кураш 2020 йилда Ўзбекистон ушбу муаммони очик тан олган пайтдан бошланди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маълумотлар базаси шакллантирилиши йўлга қўйилди.

натijasи асосида минимал истеъмол харажатлари қиймати, аҳоли даромадлари, истеъмол харажатлари, узоқ мuddат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминлангани, уй-жой шариоити ва қўлайликлари, ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги, АКТ воситаларидан фойдаланиши тўғрисидаги маълумотлар тўпланади.

Уйма-уй юрган ҳолда ўтказилган сўровномалар рўйхатида 150 дан ортик турдаги озиқ-овқат, 200 дан зиёд турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда бошқа хизмат турлари ва уларга қилинган харажатлар киритилди. Бунда сўровда иштирок этган уй ҳўжалиқлари харажатлар миқдори бўйича ўн та гуруҳга бўлиниб, улардан энг кам харажат (даромад)га эга уй ҳўжалиқлари алоҳида ажратилди. Ҳисоб-китоблар минимал истеъмол харажатлари (МИХ), аҳоли жон бошига кунлик даромад асосида амалга оширилди.

2022 йил якунлари бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 3 фоиз қисқарган ва 14 фоизни ташкил этган (2021 йилда бу кўрсаткич 17 фоиз бўлган). Йил давомида

ўртача характерга эга бўлиб, бу ҳукумат сиёсатидаги инклюзив ёндашувни ифода этади.

Ўзбекистонда уй ҳўжалиқларининг истеъмол қилишга қодирлигини аниқлаш мезони сифатида фойдаланиладиган муҳим индикатор умумий даромадлар (жорий тушумлар) ҳисобланади. Чунки улар истеъмол қилиш ёки жамғариш имконияти ошишини кўпроқ таъминлайди.

Аҳолининг умумий даромадлари — мажбурий тўловлар ва бошқа ажратмаларни амалга оширишга қадар бўлган ялпи даромаднинг ифода этади. Мазкур йўналишга пул ва натура шаклидаги даромадлар қиради ҳамда доимий асосда, тақроланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй ҳўжалиғи ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

Турмуш даражасининг асосий ижтимоий-иқтисодий индикаторларини аҳоли пул даромадлари ва харажатлари, унинг таркиби ва фойдаланиши, даромад бўйича тақсимлаш каби кўрсаткичлар характерлайди. Пул даромадлари барча категориялардаги аҳолининг меҳнати эвазига олган иш ҳақи, тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланувчи шахслар маблағлари, нафақа, тушум, стипендия, қўйилмалар бўйича фоз кўринишида мулкдан олинadиган, қиммат-баҳо қозғошлар, дивидендлар, рента, кўчмас мулкни, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ва чорва молларини сотишдан тушумлар, турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар ва бошқалардан иборат.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йилда аҳоли умумий даромадлари таркибидан ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар улуши 67,9 фоизни, шундан 61,6 фоизи меҳнат фаолиятидан олинган даромадларни, 6,3 фоизи шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларни ташкил этган.

Бозор шароитида асосий иш жойидан берилadиган иш ҳақи аҳолининг ақсарият қисми учун етакчи даромад манбаи ҳисобланади. Ач ҳолда, у функционал ролини

Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг 10 йиллик динамикаси, минг сўм



бажара олмайти. Ривожланган мамлакатларда иш ҳақи аҳоли жами даромадининг 60-80 фоизини ташкил этади, яъни уларнинг меъёрий ҳаёт фаолиятини таъминлаш пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Агар МДХ мамлакатларининг аҳоли даромадлари таркибига назар ташлайдиган бўлсак, елланма ишчиларнинг иш ҳақи сифатида олган даромадлари Арманистон, Беларус, Қозғистон, Россия Федерациясида 55 фоиздан 69 фоизгача қамраб олган бўлса, Қирғизистонда ўртача 40 фоиз атрофида, Ўзбекистонда 28,3 фоизни ташкил этади. Ижтимоий тўловларнинг улуши Беларусда 29 фоиз бўлса, Арманистон, Қозғистон, Қирғизистон, Россия Федерациясида 16 дан 18 фоизгача, Ўзбекистонда эса 10,5 фоизга тенг.

Шунингдек, аҳоли умумий даромадлари таркибидан мол-мулкдан олинган даромадлар 2,4 фоизни, трансфертлардан олинган даромадлар 29,8 фоиз атрофида бўлган.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг мазкур соҳадан олинган даромадлари улуши йил сайин ошиб бориб, 2022 йилда 56,9 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2010 йилда

50 фоизга тенг эканини инобатга оладиган бўлсак, у бу даврда 7 пунктга қўпайганини кўрсатади. Мазкур натижага кичик бизнесга имтиёзли кредит ва субсидиялар орқали давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш ҳисобига эришилди.

Аҳоли даромадлари таркибидан елланма ишчиларнинг иш ҳақи нисбатан ижтимоий трансфертлар ўсиши кузатишмоқда. Бу эса ўтган йилги оғир иқтисодий шароитларда ижтимоий қўллаб-қувватлаш сезиларли даражада қучайганидан далолат беради.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадлар таъсири жуда кам бўлса-да, тижорат банкларига бўлган ишончнинг ортиши, инновацион ишланмаларнинг ривожланиши, қолаверса, акциядорлик корхоналари даромадларининг ортиши, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектиларини ижарага бериш ва шу каби бозор механизмларининг тақомиллашуви натижасида улар қўлига келиб тушадиган фозлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақлари ва шу каби мулкий даромадлар ҳам йил сайин ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, 2010 йилда аҳоли умумий даромадлари таркибидан мулкий даромадлар улуши 2,3 фоизга тенг бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 2,4 фоизни ташкил этган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, камбағалликка қарши курашишнинг миллий ва ўзига хос имкониятларини намоён этиш 2022 йилда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш, яшаш минимуми учун етарли бўлмаган пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш, бу билан ижтимоий таъминот олувчиларнинг бош қонунимизда белгиланган қўйилган ҳуқуқлари рўёбга чиқишига асос бўлиб хизмат қилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилadиган ислохотларнинг аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқимиз фаровонлиги ва унинг тўла-тўқис ҳаёт кечиришига замин яратиш мақсадларига қаратилганини амалда тасдиқлайди.

Зеро, янги Ўзбекистонда халқимиз келажакда эмас, балки бугунги кунда ҳам фаровон яшашига ҳақлидир.

Аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати

|   | Жамғига нисбатан, % ҳисобида |         | Ўсиш суръати, % да |
|---|------------------------------|---------|--------------------|
|   | 2021 й.                      | 2022 й. |                    |
| Умумий даромадлар — жами  | 100,0                        | 100,0   | 122,3              |
| Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар                                       | 65                           | 61,6    | 115,9              |
| Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар | 6,7                          | 6,3     | 115                |
| Мол-мулкдан олинган даромадлар  | 2,1                          | 2,3     | 136,5              |
| Трансфертлардан олинган даромадлар  | 26,2                         | 29,8    | 138,9              |

камбағаллик даражасининг энг юқори пайолишига Тошкент, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида эришилди. Шу билан бирга, Фарғона, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида камбағаллик даражаси ошган.

Аҳоли даромадларининг ортиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилadиган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламлари ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффициенти 2000-2022 йилларда 0,39 дан 0,28 гача қисқарди. Бу эса бозор муносабатлари чуқурлашган сари бутун дунёда бўлгани каби мулк жиҳатдан табақаланиш Ўзбекистон учун ҳам ҳосилдиган дарак беради. Ўз навбатида, мазкур жараён етарли даражада



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш суръатлари, фозда, 10 йиллик динамика



## НУҚТАИ НАЗАР

# “Е-АКТИВ” амал қилишининг узайтирилиши, муурожаатлар рағбатлантириладиган

## Солиқ тизимида қандай янгиликлар жорий этилмоқда?

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида солиқ алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда, республикамиз солиқ тизимида солиқчи — кўмакчи тамойили асосида бир қатор ўзгариш ва янгиликлар кузатиладиганини диққатга сазовордир.

чиқилиб, натижаси бўйича муурожаатчи хабардор қилинади.

Тасдиқини топган муурожаатлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жаримнинг 20 фоизи, жиноятлар учун эса базавий ҳисоблашнинг 5 бараваригача миқдорда рағбатлантирилади. Шунингдек, “Солиқ ҳамкор” ёрдамида чек бермаслик, пластик картага савдо қилмаслик, маҳсулотни пластик картага қиммат сотиш ва ноқонуний тадбиркорлик фаолияти юзасидан муурожаат қилса бўлади.

Жорий йилнинг 1 июнидан, шунингдек, жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи (нотура кўчмас мулк объекти бундан мустасно) бўйича мuddатда тўланмаган қаризга ҳисобланган пеня; охириги 6 ой мобайнида молия-ҳўжалиқ фаолиятини амалга оширмаётган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан вужудга келган қарзи, уларга ҳисобланган пеня ва жарималар; ҳўжалиқ юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси бекор қилиниди.

Ушбу солиқ қарзи, пеня ва жарималарни ундириш билан боғлиқ қил ва ижро ишлари тугатилadi. Шу билан бирга, даромад солиғини қайтариб бериш тартиби жорий этилади.

Бундан ташқари, жорий йил 1 июндан 2024 йил 1 июлгача иссиқхонага икти-сослашган ер майдони 25 сотихдан кўп бўлган тадбиркорлар томонидан ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида рия қилинганда тадбиркорларга қайтариб бериш тартиби жорий этилади. Бунда ҳар бир 5 сотих ер майдони учун ойига қамда бир нафар ишчи бандлиги таъминланиши, ҳар бир ишчи учун ойига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган (980 миң сўм) миқдорда маош белгиланиши, иссиқхонага икти-сослашган тадбиркорлик субъектлари томонидан иссиқхона фаолияти бўйича олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг қамда 60 фоизини ташкил этиши лозим.

Шу билан бирга, ҳўжалиқ юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номодий активлар ва товар-моддий



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ресурсларни ҳисобга олиш ҳамда ўз устас фонднинг шакллантириш ва қамайтириш билан боғлиқ барча операцияларнинг солиқ органларининг “Е-Актив” ахборот тизимида ихтиёрий акс эттириш тартибининг амал қилиш мuddати 2024 йил 1 апрелга қадар узайтирилди.

2024 йил 1 июнганча ер участкаларидан ҳужжатларсиз фойдаланаётган жисмоний шахсларга ер солиғининг

3 қарра оширилган ставкасида солиқ ҳисоблаш тартиби тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги қарорига мувофиқ эса фермер ҳўжалиқларида 2023 йил 1 июнь ҳолатига шаклланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ қарзини 12 ой мобайнида тенг улушларда фозисиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди. Шунингдек, электрон ҳисобварақ-

фактураларни тўлдириш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Яъни июнь ойидан бошлаб уни расмийлаштиришда етказиб беришчи тоифаси шартлиги белгиланган бўлиб, у ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи, улгурчи ва чакана савдо билан шўғулланувчи, воситачи, хизмат кўрсатувчи эканлиги ЭҲФда қайд этилиши керак. Қолаверса, унда реализация мақсади кўрсатилиши шарт. Мазкур маълумотлар киритилмаса, ЭҲФ расмийлаштирилмайди. Ушбу тартиб ўтган даврлар учун расмийлаштирилadиган тузатуви ёки қўшимча ЭҲФларга ҳам татбиқ этилади.

Кези келганда қайд этиш керакики, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилadиган ислохотлар аҳолига қўлай шароит яратиш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Яъни бугун юртимизда инсон манфаатини ҳимоя қилиш энг устувор вазифага айланган, олий қадрият даражасига кўтарилган. Барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг муурожаатлари билан ишлашга алоҳида уруғ берилиб, бу бордаги ишлар сифат жиҳатидан мултқо янги тизим асосида ташкил этилмоқда. Хусусан, ўтказилаётган сайёр қабуллар ҳалқнинг дardини эшитиш уларнинг муаммоларини ҳал этишда, шак-шўбҳасиз, қўйилган натижаларни бермоқда. Шундан келиб чиқиб, бошқармаамиз томонидан аҳоли ва ёшлар билан ўтказилган оммавий сайёр қабуллар жараёнида 78 миң 572 фуқаронинг бандлиги таъминланди. Эҳтиёжманд оилалар қаторида бўлган 90 миң 574 фуқарога 21,1 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилиб, 188 нафарига 6,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредит, 116 нафарига 1 миллиард сўмлик субсидия ажратилишида амалий кўмак берилди.

Маҳаллаларда ёшлар билан ўтказилган тўғридан-тўғри мулоқотларда илгит-қиларга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари, бун ҳақини мазмуни ўтказишлари учун кўмаклашиб келинмоқда. Амалга оширилadиган бундай тадбирлар изчиллик касб этаётган ислохотларнинг натижаси сифатида инсон қадри ва манфаатига хизмат қилмоқда.



**Юнусжон НАСИМЖОНОВ,**  
Тошкент шаҳар солиқ  
бошқармаси бошлиғи

Жумладан, 2023 йил 1 июндан бошлаб солиқ соҳасида бир қатор янгиликлар амалиётга киритилди. Мисол учун, эндиликда фуқаролар “Солиқ ҳамкор” тизими орқали ноқонуний алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси юзасидан муурожаат йўллашлари мумкин. Яъни ой бошидан қалбаки акциз маркали ёки акциз марказиз, маркировкаланмаган, рухсати бўлмаган, сифатсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш каби қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида солиқ органига муурожаат йўллаш тизими ишга туширилди. Мазкур тизимдан келиб тушган муурожаатлар назорат ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун асос бўлади ва у йил иш кунинда мажбурий тартибда қўриб

# СПОРТДА ЧИНИҚҚАН

## дори-дармонга муҳтож бўлмайди



**Фотима РАҲМАТОВА,**  
Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

### Хаётимиз қувончи, авлодимиз давомчиси

Юртимизда аҳолининг 60 фоизга яқини ёшлар ташкил этади. Шу маънода, навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук улғайишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, болалар саломатлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилинаётганини таъкидлаш ўринли. Жумладан, 2022 йил 1 майдан бошлаб барча кўп тармоқли марказий поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилди. 17 мингдан зиёд тиббиёт бригадаларига яна қўшимча 8,5 мингта болалар ҳамшираси ва доя (акusher) штатлари берилди. Улар оналарга болаларнинг соғлом бўлиб дунёга келишидан тортиб, вояга етгунига қадар тўғри паравариш қилишни ўргатмоқда.

Доншманд халқимизда бир нақл бор: касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Ана шу мантиқ

этирилиб, 2022 йил 1 июндан бошлаб 3-15 ёшли болаларга йод препаратлари давлат томонидан bepул тарқатилиши жорий қилинди. Бу орқали келгуси беш йилда болаларда буқоқ, камқонлик касалликларини 30 фоиз камайитириш, уларнинг ақлий ва жисмоний соғлом ривожланиши учун асос яратилади.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳар бир соҳага юқори технологиялар, инновацион услублар кириб келмоқда. Жумладан, тиббиёт соҳасига ҳам. Ана шу талабдан келиб чиқиб, болаларга бирламчи бўғинда кўрсатилаётган тиббий хизматларни юқори технологик амалиётлар билан боғлашга эътибор қаратиляпти. Бу борада Республика ихтисослаштирилган педиатрия марказида генетик лаборатория ҳамда унинг 13 та худудий бўлими ташкил этилиши белгиланган. Ушбу лаборатория болалар орасида ноғиронликка олиб келувчи, жумладан, кам учрайдиган (орфан) касалликларни эрта аниқлаш бўйича

### СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ



этилиши ва мунтазам ўтказилаётгани, энг чекка худудларда ҳам муҳташам спорт мажмуаларининг бунёд этилиши ва ушбу масканларда спорт машғулотларини ўтаган ёшларнинг дунё ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтариётгани соғлом авлодни тарбиялашдек улғувор мақсадимизни ифода этади.

Бир пайтлар кишлоқ жойларида қизларнинг бадий гимнастика билан шуғулланиши тасаввур қилиб бўлмаст эди. Бугун спортнинг бу тури бўйича федерация ташкил этилган. Барча худудларда шароитлар яратилаётгани сабаб бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланган қизлар сони ошмоқда.

Беш муҳим ташаббус ҳамда "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида олис худудларда ҳам янгидан-янги спорт объекти ишга туширилиб, ёшлар спортга фаол жалб этилмоқда. Бугун юртимизда 2 миллион нафардан зиёд бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ёшларнинг жисмоний ривожланиши, саломатлигининг мустаҳкамланишига замин яратмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган даврда болалар ўртасида ўткир респиратор вируси инфекциялар, пневмония (зотилжам), бронхит, сиклоз умуртқа поғонаси қийайиши каби хасталикларга қалиниш ҳолатлари камайганини кузатиш мумкин.

### Спорт, аввало, саломатлик дегани

Жисмоний фаолият барча ёшдаги болалар учун муҳим аҳамиятга эга. Спортга ошно болаларда иммунитет, юрак ҳажми, ўпканинг тирикчилик ситими ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар юқори даражада бўлади. Саломатлик учун жисмоний ҳолатни мунтазам сақлаш муҳимлиги исботланган. Бу ортиқча вазни камайитириш, юрак-қон томир ва

метаболик касалликларнинг ривожланиши хавфига қарши қўлай тузилгани яратиш, шунингдек, суяк тўқимасини мустаҳкамлаш ҳамда депрессия белгиларини камайитиришга ёрдам беради.

Спорт билан шуғулланиш билан болалар ва ўсмирларда чинқиш, қаққонлик, эпчилик хислатлари ошиш билан бирга, улар организмнинг биологик хусусиятлари ҳам жиддий равишда ўзгариб боради. Бу ҳолат уларда нафақат организмнинг, балки руҳий-психологик ҳолатининг ҳам ривожланишига олиб келади. Айниқса, сузиш ва бадий гимнастика каби кенг оммалашган спорт турлари шуғулланувчилар саломатлигига ниҳоятда ижобий таъсир қилади.

Уртача кўрсаткичларга кўра, спорт билан шуғулланган қизлар (айниқса, гимнастикачилар) ва ўғил болалар учун ўртача вазн-бўй индекси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мосдир. Сузиш ва бадий гимнастика билан шуғулланиш жинсидан қатъи назар, барча ёшдаги болаларнинг соғлом улғайишига ёрдам беради. Иккала спорт тури ҳам, айниқса, қизларнинг ривожланишига фойдали таъсир кўрсатади, ammo энг уйғун ривожланиш бадий гимнастика билан шуғулланган қизларда намоён бўлади. Бу ҳолат сузиш билан шуғулланган ўғил болаларда ҳам кузатилади. Шу боис, бугун фарзандларимизни эрта ёшдан спорт ва жисмоний фаол турмуш тарзига жалб этишимиз мақсадга мувофиқ.

Болалар ва ўсмирларни спорт турларига жалб этишнинг бошланғич босқичида жисмоний тарбия — соғломлаштириш ва тарбиявий ишлар олиб борилади. Бунда асосий эътибор жисмоний тайёргарликка ва танланган спорт турининг техникаси асосларини ўзлаштириш, жисмоний хусусиятларга қаратилади. Шу билан бирга, болалар ва ўсмирлар организмнинг асаб тизими, индивидуал

қобилияти, мойиллиги, спорт турини танлаш, тайёргарлик босқичига ўтиш каби назорат стандартларининг бажарилиши соҳоба олинади.

Ушбу босқичда ўқувчилар умумий жисмоний ва махсус тайёргарлик бўйича назорат ва кўчириш стандартларини бажаради. 12-14 ёшли ўқувчилар камида 1 йил давомида зарурий тайёргарликдан ўтди ва умумий жисмоний ҳамда махсус тайёргарлик бўйича қабул мезъорларини бажарган соғлом ўқувчилардан танлов асосида гуруҳлар шакллантирилади. 15-16 ёшли спортчилардан ташкил топган гуруҳда ўқув босқичидан ўтган ҳамда спорт маҳорати даражасига қўйилган талабларни бажарган ўсмирлар шуғулланади.

Сузиш ва бадий гимнастика болаларнинг ўсиши ҳамда ривожланишини уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бунда барча ёш гуруҳларидаги қизлар ва ўғил болаларда кўларнинг мушаклар қучи ва чидамлилиги кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори бўлади. Кўпроқ даражада бу кўрсаткичлар интенсификация шартларида ифодаланади. Жисмоний ва руҳий-жиссий ривожланишининг қўнрақли кўрсаткичлари бевосита бола ёки ўсмирнинг спорт билан шуғулланишига боғлиқ. Уғил болалар учун сузиш, қизлар учун эса бадий гимнастика бу ёшда зарур жисмоний фаолиятни таъминлайди. Шу билан саломатлиқни, фаолликни, кайфиятни яхшилайдди. Демак, спорт халқимизнинг азалий орсуси — баркамол авлодни камолга етказиш, улар тимсолида Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишда муҳим ўрин тутди.

### Бошланиши 1-бетда

Аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва доимий назоратга олиш, bepул витаминлар билан таъминлаш, юртимизнинг чекка худудларида истиқомат қилаётганларни сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш мақсадида жойларда оилавий поликлиникалар барпо этиш ва уларни замонавий тиббий ускуналар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Она ва бола скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Перинатал марказлар ташкил этилди. Туғуруқ комплексларида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражасини уйғун ҳолда ривожлантириш, тизимини замонавий талабларга мослаш бўйича кенг кўламли ишлар бажариломоқда. Жумладан, юртимизда аёллар ва болаларга шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида замонавий скрининг дастурлари жорий этилмоқда. "Она ва бола" худудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими такомиллаштирилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКҲҲ QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

асосида болалар учун профилактик кўриқлар дастури қайта кўриб чиқилиб, 18 ёшгача бўлган болаларни педиатр, стоматолог, эндокринолог, ортопед каби энг зарур мутахассислар томонидан манзилли кўриқдан ўтказиш тизими жорий қилинди. Бу эса касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида уларни даволаш чораларини кўриш имконини бермоқда.

2021 йилдан бошлаб болалар учун овқатни бойитадиган қўшимчалар, витамин А ва гижгага қарши антигелиминт препаратларини bepул бериш йўлга қўйилганди. Ушбу ишлар давом

генетик текширувлар ўтказадиган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланади.

### Соғлиқ — ўзимизга боғлиқ

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қатта куч, маблағ сафарбар этилган. Ўтган йилларда болалар спортини ривожлантириш, уларни оммавий спортга жалб қилиш борасида улкан ишлар бажарилиди. Жумладан, Беш ташаббус олимпиадасининг ташкил

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ



**Эркин ХОЛМАТОВ,**  
Жиззах вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи

### Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда ҳам атроф-муҳит муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этиш масалаларини давлат сийсати даражасига кўтарилган. Айниқса, сўнгги йилларда давлат томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, атмосфера ҳавоси ва табиий ресурсларни асраш ҳамда чиқинди муаммоларини барқарор этиш, экологик таълимни жорий этишга қаратилган эътибор ва бу борада меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани фикримиз далилидир.

Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарaxтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан мамлакатимиз экология соҳасида кенг кўламли ишохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ



## замонавий чоралари

вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг барча туман ва шаҳар бўлиmlари давлат инспекторлари томонидан улар ҳақиқатда экилганлиги тасдиқланди.

Ҳар бир дарaxт кўчатини экишда суғориш тизимига алоҳида эътибор қаратилди. "Яшил макон" электрон платформасига киритилган 10 миллион 57 минг туп дарaxт ва бута кўчатини парваришлаш учун ҳар бир қорхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, масъул шахсларга далолатнома асосида бириктирилди. Шунингдек, экилган кўчатларни суғориш, парвариш қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди. 47 та қорхона, ташкилот ва муассасада жами 335 минг 494 туп кўчатнинг суғориш тизими ташкил қилинишига эришилди.

Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда барча тоифадаги ер майдонларида, жумладан, аҳоли томоққаси, суғориладиган ва лалми ерлар, чўл, тоғ

ва тоғолди худудларида мевали, ёнғок мевали, узум плантацияларига экилган кўчат ва қаламчалар ҳам "Яшил макон" электрон платформасига киритиб боришмоқда. Жумладан, Форш туманида фаолият олиб бораётган "Lazzat kafolati" хусусий қорхонаси томонидан тумanning лалми ерлардаги 87 гектар ер майдонига 98 минг туп ток экилган эди. Айни кунларда уларни томчилатиб суғориш тизими шакллантирилиб, ёзинда жазира иссиқ кунларида ниҳоллар обиҳаёт билан тўйинтирилмоқда.

Зомин туманида фаолият олиб бораётган "Zamin wonderful food" МЧЖ томонидан 100 гектар лалми ерда 120 минг туп мевали кўчат экилиб, боғ ташкил қилиш билан бирга томчилатиб суғориш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда дарaxт кўчатларини экишда ҳар бир худуднинг табиий шароити, иқлими, туپроғи ва бошқа омилларини ҳисобга олиниб, бевосита олимлар, мутахассислар

ва боғбонларнинг тавсиялари асосида экилмоқда. Жумладан, "Ўзавтомоторс" акциядорлик жамияти томонидан 2021 йилнинг кўз ва 2022 йилнинг баҳор мавсумларида Арнасой туманининг чўл худудларидаги 103 гектар майдонга 80 000 га яқин павловния, заранг, шумтол, катальпа, қайрағоч ва япон сафораси дарaxтлари кўчати экилган эди.

Чўл худудларида дарaxт ўстиришнинг ўзи гоят мушкул вазифа. Бундай худудлар табиатининг ўзига хослиги, ҳароратнинг юқори бўлиши ва намликнинг кескин пастилиги дов-дарaxтларнинг гурқиб ўсишида чекловчи омил эканлиги кўпчиликка маълум. Ammo шунга қарамайдан, экилган кўчатларнинг ўз вақтида парвариш қилиниши натижасида дарaxтларнинг қарийб 90 фоизи кўкарди. Бу ишларни амалга оширишда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод штатида дунёдаги энг катта яшил худудларнинг асосчиларидан бўлган "Pragati Group" компанияси

билан ҳамкорликдаги ишлар яхши самара бераяпти.

Компания раҳбари доктор Г.Раонинг айтишига қараганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси табиат ва инсонлар ҳаёти учун ниҳоятда зарур тадбир ҳисобланади. Арнасой туманидаги ушбу яшил худуд 5 йилдан кейин улкан боққа айланиб, экотизимларнинг барқарорлиги, биохимия-хилликнинг бойлиги ва экотуризмнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Лойиҳа доирасида яшил худудда тозаланиш асрашга қатта эътибор қаратилади. Келгуси режаларга кўра, Ҳиндистоннинг "Vaimiki" компанияси билан ҳамкорлик олиб борилиб, чиқиндиларни қайта ишлаш, пластик чиқиндилар кўпайишининг олдини олишга қаратилган чоралар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозирда бу ерда дарaxтларни томчилатиб суғориш тизимини шакллантириш устида иш олиб бориломоқда. Бунинг учун кўлдан сув тортиб келиниб, Хитой технологияси асосида шўр сув чуқуқ сувга айлантирилади ва кўчатлар суғорилади. Янги технология асосида бир кунда 70 минг метр куб сув қайта ишланади. Арнасой туманида барпо этилган яшил худуд лойиҳасини амага ошириш учун ҳозиргача 1 миллион АҚШ долларини қийматда маблағ сарфланди. Сув автотранспорт воситаларида олиб келиниб, кўчатлар суғориломоқда.

Айни пайтда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган дарaxт ва қаламчаларни суғориш билан бирга, ниҳолларни зараркундларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида агротехник тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши табиатнинг муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларнинг олдини олиш борасида энг муҳим дастуруламал бўлмоқда. Ҳеч шубҳасиз, яшил худудларни кенгайтириш, яшил майдонлар ва жомоат паркларини ташкил этиш атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришга қўлмай, балки атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, туپроқ эрозияси, иқлим ўзгариши, озон қатламнинг емирилиши ва айни кезда энг долзарб муаммолардан бири бўлаётган қум ва чағн буронларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

# МАКТАБ ЯРАТГАН

“САНЪАТКОРЛАР ТЎҒРИСИДА ГАП ОЧИЛГАНДА, ЎЗИГА ХОС МАКТАБ ЯРАТГАН, ДЕЙИШ РАСМ БЎЛГАН. КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ ҲАР БИР ҚЎШИҒИДА МАКТАБ ЯРАТГАН САНЪАТКОР! ЕТУКЛИК, УСТОЗЛАРГА САДОҚАТЛИ ШОГИРДЛИК, ШОГИРДЛАРГА ТАЛАБЧАН ВА ҒАМХЎР УСТОЗЛИК, ОТАОНАСИ ВА ХАЛҚИГА МУНОСИБ ФАРЗАНДЛИК, СОЛИҲ ВА СОЛИҲА ВОРИСЛАРИГА МЕҲРИБОН ОТАЛИК, ЎЗ СОҲАСИНИНГ МИРИДАН-СИРИГАЧА БИЛАДИГАН КОМУСИЙ БИЛИМДОНЛИК, ҚЎЙИНГКИ, НАМУНА ДОРИЛФУНУНИНИ ЯРАТГАН, АСЛ БАХТГА ЭРИШГАН САНЪАТ ДАРҒАСИ, БЎЛГАНИНИ ТАН ОЛМАСЛИК ИЛОЖСИЗ. АКС ҲОЛДА, КАМОЛИДДИН РАҲИМОВНИНГ ЎЗИ БУ ҚАДАР СЕВИМЛИ, ҚЎШИҚЛАРИ БУ ДАРАЖАДА ДИЛТОРТАР БЎЛМАСДИ.

# санъаткор



## Ёхуд одамийликда ҳам ибрат бўлган Камолиддин Раҳимов ҳақида

Зиёвиддин МАНСУРОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими раҳбари, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

XX асрнинг олтинчи йилларида Бола баҳши, Ҳожижон Болтаев, санъатни баланд мақомга кўтарган Комилжон Отаниёзов, лирик кўшиқлари ошурфаларни оҳанрабодай тортган Фахриддин Умаров, соҳир нолалари билан кўшиқ шайдолари “Ушайди-ку” латиб юборган Тавваккал Қодиров, дуторини “кул-кул” латиб “Индаммади” си билан кунгилларни сел қилган Незматжон Қўлабдуллаев, ўзининг бас-баритон овози тошининг энг тепасида ҳеч қайси ҳофиз ишлатмайдиган “бас” аталгучи кўшалок симни автоматдай дириллатиб, дилларни зириллатган Комилжон Баратов кабилар ана шундай беназир ҳофизлар тим-солда давке толган.

Номин тилга олинган ҳофизлар халқ онгида шаклланган аънавий тасаввурларни тамомла ёзғариб, миллий санъатимизга янгилик киритди. Янги ҳаво миллионлаб мухлислар қалбини забт этди, суюкли ҳофизларга айланганди. Натижада концертлари замонавий тилда “аншла” бўлиб, уларга доврүк келтирди. Бироқ “Шухрат — офат” экан. Айни ҳолат узоққа чўзилмади. Салоҳиятининг фақуллода рўёбга чиқиши, оммабопликнинг таъсир доирасидан қўрққан собиқ тўзум идеологияси тарафидан бундай етук санъаткорларнинг турли важ-қорсонлар билан ёмонотлиққа чиқарилиши, улар атрофида турфа уйдирмалар тарқатилиши оқибатида Комилжон Отаниёзов фалажга, Фахриддин Умаров ва Тавваккал Қодиров тажикка, Комилжон Баратов ҳибсага йўлиқтирилди.

Бир ёмоннинг бир яхиси бўлганидай, ўзи суйган ҳофизларни соғинган, янги оҳанглари кўмсаган халқ толеига Яратганининг инояти ила янги-янги иқтидорлар, сеҳрли овозлар, ҳуш ёқувчи нафаслар пайдо бўлди. Хоразмдан Олмажон Ҳайитова, Ортик Отажонов, Туртқулдан Отажон Худойшукров, Тошкентдан Бахтиёр Тулаганов, Хайрулла Лутфуллаев, Андижондан Уринбой Нуралиев, Шерали Жўраев, Нуриддин Ҳамроқулов, Фарғонадан Солижон Маматов, Қобилжон Юсупов, Назиржон Назаров, Қашқадарёдан Тождин Муродов, Бухородан Аҳмаджон Шукров ва бошқа янги нафас, янги овозлар кўшиқчилигимиз бўшлиқларини тўлдирди бошлади. Сир эмаски, улар ўз йўналишларини топишида ўзларидан аввалги устозлар мактаби ҳал қилувчи омил бўлган. Ўз камоли билан устозлар жамолини кўрсатган шогирдларнинг олдинги сафарида исми жисмига мос Камолиддин Раҳимов ҳам бор эди.

У 1943 йил 12 январда Наманган шаҳрида туғилган. Тошкент маданият институтини тугатган ҳофиз ашула сабоқларини, даставвал, Ваҳобжон Абдуллаевдан ўрганган. Наманган маданият уйи қошидаги Уста Рўзиматхон номидаги ашула ва ракс ансамблида хонанда, мусика раҳбари, бадий раҳбар бўлиб ишлаган. 26 йил давомида эса вилоят театрида якжон хонанда вазифинида фаолият юритиб, самарали ижод қилди.

### Услубда ўзига хослик сирлари

Ўзининг халқчил ашулалари билан миллионлаб мухлислар қалбини ишғол этган манзурнафас ҳофиз Камолиддин Раҳимовнинг тез орада тилга тушиши, доврүк қозониши, водийдан то пойтахтга воҳа, қўшни мамлакатлар, бора-бора хориждаги шинавандалар дилини эгаллашининг омиллари, синаотлари, ўзига хосликлари нимада эди?

“Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, деганларидек, Камолиддин Раҳимов ўз йўлини топишида кўп устоз кўрди, улардан хунар ва одоб дарсларини ўзлаштирди. Устозларининг юриш-туриши, муомаласи, қисқаси, харақтерини синчиқлаб ўрганди. Қайси фазилат ёкса, ўзига юқтириш, аксинча, ёқмаганларидан йироқлашишни бош мезон қилиб олди. Ҳатто бир гал суҳбатлашаётиб, шахсидаги аjoyиб устунлиқни кимдан ўрганганини сўраганимда устозлари Юнус Ражабий, Орифали Махсумов, Маъруфхўжа Баходиров, Фахриддин Умаров, наманганлик Нури махсум, Ваҳобжон Абдуллаев, Сотволди Йўлдошев, Насриддин Мажиҳовнинг ўйит-йўриқлари асқатганини миннатдорлик билан қайд этганди.

Камолиддин ака тақво-этиқодда ҳам собит, имон-диёнатда барқарор, намоз-ниёзда қойим, чин маънода, мўмин-мусулмон банд эди. Утган аждодлар, устозлар руҳини тиловат, эҳсон хайрли юмушлар билан хушнуд этишни қанда қилмасди. Болалик қадронлари, қариндош-уруғлари, шогирдлари, ҳатто “фанат” мухлислари ҳолидан доимо боҳабар турар, кун тартиби тигиз ва бандлигига қарамай, эзуликларга вақт ажратар, ҳақсала қиларди.

Ҳар йили пойтахтдан тўй мавсумини яқунлаб келганида (одатда аксарият Рамазон ойи олдида) машинаси юкхонасига ўзи билган ночор оилаларга, камхарж хонадонларга, яқинларига, устоз ва шогирдларга қарийб бир ой — Рамазонга етадиган қозон қайнагулик бозор-учарни ташкиллаштириб, тарқатганига гувоҳ бўлганман. Қиш фасли остонасида йилгирма-ўттиз жуфт қалиш, ҳас-са, чопонларни таниш масжид имомлари орқали эҳсон соҳибини билдирмаслик шарти билан эҳтиёманд кимсаларга ҳадялар улашганидан ҳам воқифман.

Камолиддин ака камтаринлиқда намуна эдики, шухрат чўққисидан турган палларда ҳам бировга калондимоглик ёки

маҳалла-қўйда, қариндош-уруғлар, яқин-йироқлар орасида, жамиятда ҳақдини, босар-тусарини билиб, ўзига гард юқтирмаган ижодкорнинг шахсий хислатлари учун унвон ёки мукофот жорий этилса, унга, ҳеч шубҳасиз, устоз Камолиддин ака Раҳимов муяссар бўлишига имоним комил. Зеро, ҳофизга давлат мукофотлари — “Эл-юрт хурмати” ва вафотидан сўнг “Фидокорона хизматлари учун” ордени берилгани ҳам бежиз эмас, албатта.

### Яхшиларга ёндашган инсон

Санъаткорлар тўғрисида гап очилганда, ўзига хос мактаб яратган, дейиш расм бўлган. Камолиддин Раҳимов ҳар бир кўшиғида мактаб яратган санъаткор! Етуклик, устозларга садоқатли шогирдлик, шогирдларга талабчан ва ғамхўр

лисларга аён бўлардики, ноёб ҳодисадан ҳангу манг турардики. Аллома навозанда Турғун Алиматов “Торни озар устаси Бағатир ясаину, ўзбек ҳофиз Камолиддин сайратсин-да!” дегани, Бағатирнинг Боқудаги устахонасида Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимовнинг тор ушлаб турган портрети илби қўйилгани фикримизга далилдир. Уша даргоҳда ҳофизнинг “Кўчамдан жонон утганда” кўшигининг бошланишидаги нолага қўлқолган уста Бағатир ансамблда танбурни ким чалганига қизиқгани, ваҳоланки, ансамбль ва танбур ҳам эмас, фиғоний нолаларни Камолиддин Раҳимов уста Бағатир ясаган торда чалганини эшитганида, ишонмагани ҳам рост.

Маълумки, Камолиддин Раҳимовнинг уста Олим Комиллов, Қаҳрамон Дадаев, Тожиали Олимов каби доирачиларга раббатидан ўз ижодини доира чалидан бошлаган. У ўз даврининг кўшиқчилари уста Нури қори, Сотволди Йўлдошев,



Абдурашид Воҳидовларга доира чалган. Доирачилликдан етишиб чиққани учунми, ҳофизлар ичида энг усули бисёрликда, тагин мураккаб ва тексари усулларда кўшиқлар яратди олиш, Хоразм сувораларини ҳам бемалол удаллашида Камолиддин акага етадигани санокли.

Ардокли ҳофиз ёрқин истеъдодининг нодир махсуллари — “Ул ёра ишонмай-дур”, “Соғинсам отажоним?”, “Кўчамдан жонон утганда” каби ашулаларни машҳур Жўрабек Муродов ва Шерали Жўраев ҳам севиб ижро этгани унинг истеъдодида бўлган ҳурмат ва эътирофининг гузал жавобидир. Камолиддин аканинг нури қисматиға хос яна тўртта муҳим жиҳатга тўхталмасам мушоҳадаларим бамисоли кемтик қоладигандай.

Биринчидан, ўзи басталаган “Жунун водийси”, “Севасанму?”, “Кутарман зор” каби ушлаб кўшиқларини Камолиддин акага тортик қилган Буюк бастакор Саидхўжа Холдорхўжаевнинг ҳам ҳофиз камолотида мислсиз улуши бор.

Иккинчидан, Камолиддин Раҳимов боп газаллари билан Фузулий, Жомий, Навоий, Бобур, Машраб, Махтумқули, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ҳамда Чустий, Шўхий, Рашид Халип, Нуриддин Бобохўжаев, Робиддин Исоқов, Қурбоний Убайдуллаева, Ҳакимжон Турсунов,

Мажон Парий, Ёқуб Аҳмаджон каби наманганлик ҳамюртлари ҳам ўз шеърлари билан унинг кўшиқларига қанот бағишлаган. Нокамтарликка йўмангу, “Едимда қолди”, “Оввора қилма”, “Мен сизни тушимда қўриб тураман”, “Отажон”, “Қўмса”, “Яхшиларга ёндашиб”, “Эл ичра назар топдим” ва бошқа ушлаб ижодий намуналарини забардаст хонандамиз ижро этганидан ўзини бахтиёр ҳис қиламан. Шунга суняиб, баралла айтиш мумкинки, Камолиддин Раҳимов Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек мумтоз ва замонавий шеърлати, шунингдек, Наманган шоирларининг беғарз тарғиботчиси эди.

Учинчидан, фаолиятини Камолиддин ака билан бошлаган актёр ва хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турдали Сайдуллаев ҳам жўровозликда унга узоқ йиллар елкашод бўлганини ҳамкорликда яратган қатор-қатор дилрабо кўшиқлар ҳақи унутмаймиз. Жўровозликдаги кўшиқлар ўзбек радиоси олтин фондидаги бебаҳо дурдоналардан ҳисобланади. Камолиддин Раҳимов кўшиқларини магнит тасмаларига муҳрлашда заҳматқашлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжонов, овоз соловчилар Зайниддин Жўраев, Юсуфжон Умаралиевнинг хизмати таҳсинга сазовор.

Тўртинчидан, шогирд тарбиялашда ҳам у киши ибрат намунаси эди. У устозлик қилган элга манзур иқтидорларни санаб адоғига етиш мушкул. Зеро, қорюнда таъкидлаганимиздек, “Шогирдлар камоли — устозлар жамоли”. Угли Хусанбой Раҳимовнинг ҳозирда ота касбини дадил давом эттираётгани от изини той босишига яққол далолатдир.

### Буюкликка элтган омиллар

Камолиддин Раҳимовнинг камолотга эришишида нажонан азим Тошкент муҳитининг, у ердаги дўстларининг, санъатининг пешволарининг, мухлисларнинг, Шукрота Раҳматов, уста Носиржон Турсунов, Абдураззоз Набиев, Ҳамиджон Тоҳиржонов, ўз муаллифлик кўрсатувларида, хусусан, “Дийдор ширин”да Камолиддин Раҳимов сиймосига илхосманлик билан қарайдиган моҳир суҳандон Муслимбек Йўлдошев ва бошқаларнинг ҳиссаси ўчмасдир.

Камолиддин ака бирор тўй ёки маросимда марҳум ижодкорлар кўшигини айтиб, шунинг ортидан беш-тўрт сўм топган бўлса, буни қарз ҳисоблар, хоҳирқол лажаларида ўшалар ҳақиға дуою фотоға ўқиб, гўё қарздан ўзини фориг қилар эди. Камолиддин аканинг қадду бастида салобат, чехрасида нур, қалбида меҳр, бармоқларида сеҳр, қадамда барака барқ уриб тургани шундандир, эҳтимол.

### Наманган доврүгун ёйган кўшиқлар ва дунё бўйлаб янраган овоз

Қобилият эгалари санъатга икки хил йўсинда кириб келади. Биринчиси ёниб, иккинчиси тутаб. Ёниб кириб келганлари мангу ёнади, теваракка ҳам қўр ва тароват бағишлайди. Иккинчи тоифалар эса фақат тутайди. Биз хикоя қилаётган қаҳрамонимиз биринчи тоифага мансуб, ёниб, юракларга тафт бахш эта олгани кўндек равшан.

Олтинчи йиллар охириларида ўзининг “Ҳаргиз”, “Қошиға ўсма қўйиб”, “Севасанму”, “Севганинг ростму”

кўшиқлари билан мухлислар юрагини муҳаббат вафси билан алангалатгани оташин илхом, улкан истеъдод, заҳматли меҳнат ҳосиласидир. Билъакс, ҳофиз куйдан-куйга, хонишдан-хонишга, кундан-кунга, йилдан-йилга, концертдан-концертга тўхтамай ўсди, нуфузи ошди. Концерт дастурлари гавжумликда олқишу қарсақлар оғушида ўтди.

Тўл шаҳри бўлбули репертуарининг муҳим — “Намангандан кетар бўлсам”, “Наманган тановори”, “Шаҳри Намангон”, “Наманган манзумаси”дек жозибадор кўшиқлари диллардаги гурур, фахр-ифтихор туйғусини жуштиргани билан қимматли.

Луғатимизда “назаркарда” деган сўз учрайди. Бу эътиборга тушган, улуглар назаридан ўтганларга ишлатиладиган турмаёно сузлардан. Камолиддин Раҳимов, ҳеч истисносиз, ана шундай рутбага эришганлардан эди. Бу нисбатни олишда ҳам салоҳияти асқатганига заррача гумон йўқ. Ҳофизнинг Наманган тоғларни боғлари, дилбар гўшаларидан илхомланиб яратган “Кўчамдан жонон утганда”, “Қошингиз қаросиму”, “Лаълихон”, “Тоғ-тоғ қўриб”, “Наргиз” каби юзлаб ҳароратли кўшиқлари Наманган доврүгунини оламга ёйгани инкор этилмас аксиомадир.

Ҳофиз водий, Ўзбекистон ёки собиқ иттифоқ микёсида, қўшни республикалардан ташқари Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Афғонистон каби хорижий давлатларга қилган гастроль сафарлари мубайнида жаҳонда янраган овози миллатимиз ва элимизга нуфус келтирган. Маданий сабаҳатларга тайёрларик учун мўлжалланган ажнабий тиллардаги ашулалари ҳам унинг бисотини безайди.

### Келажак авлод учун ўрнат

Шу йил бошида вилоят мусикали драма театрида марҳум Камолиддин Раҳимов таваллудига 80 йил тўлиши муносабати билан хотира кечаси ташкил этилгани, маънавий бой ҳофизнинг ибратли ҳаёти ва ижоди жамланган китоб ҳам нашр қилингани вужудини ҳаяжонга чулғади.

— Менинг Матлуба бўлишимда Камолиддин Раҳимовнинг беҳиёс хизматлари бор, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева. — Олим бўлиш, катта погоналарга чиқиш мумкин, лекин устозимиздек ҳассос инсон йўқ. Ёш санъаткорларга ҳам қўлларни қўқиса салом беради, дуо қиларди. Менга ҳам дуоларини олиш насиб этган. Одоб, ахлоқ, эътиқодга қаҳрайдиган ва асрларга таътийдиган асарларини биз кўзимизга суртамиз.

Тадбирда Камолиддин Раҳимов кўшиқларини издошлари, таниқли хонандани талқин этишди. Ҳайратланарлиси, бу кўшиқларни Фарғона, Бухоро, Хоразм йўлида қўлайдиганлар ижро қилса-да, ҳаммаси айнан Камолиддин Раҳимов қочиримлари ва дардли нолаларини чиқариб қўлайди.

— Камолиддин аканинг новаторлиги шундаки, у умрбоқий асарлар яратди, ўзбек мусика меросида янги саҳифа очди. Устознинг услубидаги тароналар, махсус тор чертиш қирралари ҳозиргилар учун достуруламал, келажак авлод учун ўрнатқидир, — дейди “Мақом санъати” маркази бош директори, профессор Соибжон Бегматов.

Истардикки, ўзбек кўшиқчилигининг бетакор намоёнаси, Ўзбекистон халқ артисти, “Эл-юрт хурмати” ва “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиби Камолиддин Раҳимов хотирасини абадийлаштириш, унинг номини Наманган иттисошлатирилган мусика ва санъат мактабига қўйиш, маҳобатли майдонда ҳайкал-бюстини ўрнатиш, музей ва ижод мактабини очиш, ўлмас асарларини ёш авлодга ўргатиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, методик қўлланмалар яратиш фурсати келди.